



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда банк инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий ва масофавий банк хизматларини жорий этиш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг банк хизматлари сифати ва миқдорлар учун қулайлик даражасига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти ёритилиб, рақамли банк хизматларини кенгайтириш орқали тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш масалалари асослаб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, тижорат банклари, банк инфратузилмаси, замонавий банк хизматлари, рақамли банklar, масофавий банк хизматлари, мобил банкинг, рақобатбардошлик.

Кириш. Ахборот асри деб эътироф этилаётган ҳозирги шароитда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жаҳон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Айниқса, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси субъектлари, хусусан тижорат банклари фаолиятини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш объектив зарурат сифатида намоён бўлмоқда. Банklar молия тизимининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодий жараёнларнинг барқарорлиги ва самарадорлигида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш, замонавий ва ноанъанавий банк



хизматларини жорий этиш масалалари алоҳида долзарблик касб этмоқда. Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, масофавий банк хизматларини кенгайтириш ва аҳоли ҳамда бизнес субъектлари учун банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмоқда.

Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, банк инфратузилмасининг аҳамияти ҳамда рақамли банк хизматларини ривожлантириш масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда тижорат банклари фаолиятини рақамли иқтисодиёт шароитида такомиллаштириш жараёнларини ўрганишда комплекс илмий ёндашув қўлланилди. Методологик асос сифатида иқтисодий назария, банк иши ва рақамли иқтисодиёт концепциялари қабул қилинди.

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, гуруҳлаштириш, тизимли ёндашув ҳамда мантикий таҳлил усулларида фойдаланилди. Шунингдек, банк инфратузилмасининг ривожланиш даражаси ва замонавий банк хизматларининг кенгайиш тенденцияларини баҳолашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, статистик маълумотлар ва илмий манбалардан кенг фойдаланилди. Қўлланилган усуллар тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги ва ишончлилигини таъминлади.

Бизга маълумки ахборот асри дея эътироф этилаётган замонавий шароитларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тобора объектив аҳамият касб этиб бормоқда. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси субъектлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Банклар бозор ва ишлаб чиқарувчилар талаби билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият олиб бориб, молия тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг “рақамлашуви” шароитида тижорат



банклари фаолиятини ривожлантириш, замонавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш заруратга айланиб улгурди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларда ҳам банк тизимини ривожлантириш, замонавий банк хизматлари кўрсатишни кенгайтириш масалалари устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да молия бозорини ривожлантириш асосида банк тизимини ислоҳ қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, банкларда хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда аҳоли маблағларини банк омонатларига жалб қилиш каби устувор вазифалар белгиланган эди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар банк тизимини такомиллаштиришга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги замонавий шароитларда тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги икки йўналиш муҳим ҳисобланади:

- банк инфратузилмасини ривожлантириш;
- замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш.

Банк инфратузилмаси, банк тизимининг узлуксиз ва самарали фаолият юритиши учун зарур шароитларни таъминловчи ҳамда мижозларга банк



хизматларини етказишга хизмат қилувчи институт ва элементлар мажмуасидир.

Банк инфратузилмасига турли корхоналар, шунингдек, банк фаолиятини таъминловчи агентлик ва хизматлар мажмуаси киради. Банк персоналининг нормал фаолияти учун банк ички инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади, унинг элементлари қуйидагилар:

биринчидан, кредит муассасасининг нуфузи ва улар бажарадиган операциялар рўйхатини белгиловчи қонунчилик;

иккинчидан, банкнинг ўз манфаатлари каби, унинг ҳиссдорлари, мижозларининг ҳам ҳимояси ва қонунчилик ҳужжати бажарилишини таъминловчи операцияларни амалга оширишга оид ички қоидалар;

учинчидан, замонавий коммуникация тизимлари базасида банк фаолиятини бошқариш, маълумотларни компьютерда қайта ишлаш, таҳлилий асос, ҳисоботни тузиш;

тўртинчидан, банк бошқаруви аппаратининг тузилиши.

Иқтисодий институт сифатида банк молия муассасасининг мақсади ва амалий йўналишларига жавоб берувчи қатор бўлинмаларга эга бўлиши лозим, айнан шу мақсадларда банкда секторлар, бўлимлар ҳамда тегишли буйсунувга эга бошқарув ташкил этилади.

Ҳозирги кунда банк инфратузилмасининг ривожланиш даражаси тобора ортиб бормоқда ҳамда анъанавий кўринишдаги банклар ўрнини рақамли банклар, шунингдек, бир турдаги банк хизматлари ўрнини масофадан бошқарилувчи хизматлар ва рақамли банк хизматлари эгалламоқда.

Бозор муносабатларининг тобора ривожланиб бораётганлиги банклар рақобатбардошликни таъминлаши учун замонавий банк хизматларини жорий этишга, рақамли ва инновацион технологиялардан фойдаланишга янада кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Анъанавий банк хизматлари бўлмиш депозит жалб қилиш, тўловларни амалга ошириш, кредит ажратиш хизматларининг эндиликда масофадан туриб амалга ошириш имкони яратилганлиги банклар учун янги



даврни бошлаб берди.

Тижорат банкларининг замонавий, яъни ноанъанавий хизматларни йўлга қўйиши банк миждозлари учун кўплаб қулайликларни яратиш билан бир қаторда банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ошишига ҳамда банк хизматлари турлари ортишига асос бўлади. Масофавий технологиялар миждозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобиль илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда.

Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимидаги мавжуд ислохотлар натижасида кескин ва самарали ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Шиддатли иқтисодий ўзгаришлар даврида ҳар соҳада бўлганидек, банк тизимида ҳам янгича ёндашувлар, рақамли ва инновацион технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш орқали тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.



Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Банк инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавий банк хизматларини жорий этиш орқали мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ошмоқда ҳамда банк хизматларидан фойдаланишдаги вақт ва харажатлар камаймоқда.

Шунингдек, рақамли ва масофавий банк хизматларининг кенгайиши тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш, молиявий хизматлар бозорида шаффофликни таъминлаш ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Таклифлар. Тадқиқот натижаларига асосланиб, тижорат банклари фаолиятини рақамли иқтисодиёт шароитида янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, банк инфратузилмасини рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш ва масофавий хизматлар улушини ошириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун мижозларга йўналтирилган замонавий банк хизматларини кенгайтириш орқали банк хизматлари оммабоплигини таъминлаш зарур.

Учинчидан, банк ходимларининг рақамли компетенцияларини ошириш ва инновацион технологиялар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тўртинчидан, рақамли банк хизматларини жорий этиш жараёнида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича самарали механизмларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1 .Аллаёрова Д.Н. Организация маркетинга в коммерческих банках. - Т.: ИПТД "Чулпан" 2005 г.
- 2 . Бобохужаева Ф. Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни



такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. "Biznes-Эксперт"журнали 2021 й №3 сон. 39-б.

3 Юсупов М., Абдурахмонова М. Банк хизматлари бозорида замонавий маркетинг фаолиятини ривожлантириш. "Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш" мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Т.: 2018 й. 65-б

4 Shavkat Oltaev. Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science. 96–100 pp. (2022). <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923>

5 Shavkat Oltaev. Ways of increasing the efficiency of using labor resources (on the example of the Samarkand region). Journal of Hunan University (Natural Sciences) Vol. 49. <https://johuns.net/index.php/abstract/445.html> №10. 2022.

6 Shavkat Oltaev. (2024). Ways of government support for innovative activity in the field of service provision. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 231–236. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-41>